

Қабрдан Қуръон ҳидини туймагунимча йиғламадим



13:00 / 29.12.2021 5279

Бу суратдаги кишига ўғлининг вафоти хабари етганида мусибат учун жазавага тушмади, ғазаб ҳам қилмади! Лекин уни қабристонга элтишганда, ўғлининг жасадини кўришлари билан қаттиқ йиғига тушиб кетди. Кейинчалик ундан ўғли вафоти хабарини эшитиб йиғламасдан, дафн қилинаётганда йиғига тушиб кетгани боисини сўрашганда, шундай жавоб берган эди:

«Мен токи унинг қабридан келаётган хушбўй Қуръон ҳидини туймагунимча йиғламадим. Сўнгра бу ҳолдан ўзимни тутиб туrolмадим».

У ушбу сўзи билан ўғли ушбу Қуръон илмидаги юксак мавқега унга амал қилиш, риоя этиш ва етказиши сабабли Қуръон аҳлидан бўлиб етишганини қасд этган эди.

Албатта, ундай инсонни йўқотиш ила Ислom уммати қимматли нарсани қўлдан бой берган уламолардан бири эди. Аллоҳ таоло шайх Сиддиқ Миншавий ва унинг ўғли шайх Муҳаммад Сиддиқ Миншавийни раҳматига олсин!

Манба: arabic.uz